


Ш. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида соҳасида фаолият кўрсатаётган жами юридик шахслар сони 16621 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 5869 тага ёки 26,1 % га камайган. Шунингдек, 2019 йил январь-июнь ойларида вилоятда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида 836 та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётганлар юридик шахсларни ҳудудлар кесимида таҳлили, бирликда



2019 йилнинг январь-июль ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 8651,2 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 101,4 %, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 8249,4 млрд. сўмни (95,4%), ўрмончилик хўжаликларидида 330,5 млрд. сўмни (106,2%), балиқчилик хўжаликларидида 71,2 млрд. сўмни (128,3 %) ташкил қилди.


Хусусан юқори ўсиш суръатлари Паркент (106,7 %) Олмалиқ.ш (105,2%) Пискент (105,1%) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Чиноз (96,3%), Зангиота (96,6%), Янгийўл (100,4%) ва Ўртачирчиқ (100,7%) туманларда паст ўсиш суръатлари билан яқунланди.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ҳажми, млрд.сўмда



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг (хизматлар)ининг катта ҳажми Бекобод туманида 917,5 млрд.сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди, Ўртачирчиқ ва Бўстонлик туманларида мос равишда 753,8 млрд. сўм ва 669,4 млрд. сўм кузатилди. Энг кам ҳажм Янгийўл ш. (4,8 млрд. сўм) ва Чирчиқ ш. (15,5 млрд.сўм) шаҳарларида қайд этилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)
умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)ининг умумий ҳажмида Бекобод туманининг улуши 10,6 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Ўртачирчик 8,7 %, Бўстонлик тумани 7,7 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Янгийўл шаҳар (0,1 %), Чирчиқ шаҳар (0,2 %) ва Нурафшон шаҳар (0,3 %) шаҳарларида қайд этилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши




2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 101,4% ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 100,0 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 102,2 % ни ташкил қилди.

Дехқончилик. 2019 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 398,4 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 398,4 минг тоннаси буғдой ташкил қилди. Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 909,2 тонна пилла етиштирилди.

Бундан ташқари, барча тоифадаги хўжаликларда 133,1 минг тонна картошка қазиб олинди (2018 йилга нисбатан 95,0 % ташкил этди), 335,4 минг тонна сабзавот (101,0% кўп) йиғиб олинди, 4,3 минг тонна полиз экинлари (42,9 %), 42,3 минг тонна мева ва резаворлар (99,1 % ташкил қилди) ва 1,8 минг тонна узум (101,4 %) етиштирилди.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



Ҳудудлар кесимида йиғиб олинган дон хосили таҳлил қилинганда юқори кўрсаткичлар Бекобод 63 минг тонна, Оққўрғон 60 минг тонна, Куйичирчик 49 минг тонна, Бўка туманларида 45 минг тонна, аксинча паст кўрсаткич Нурафшон 0,4 минг тонна Бўстонлик 2 минг тонна, Зангиота 5 минг тонна, ҳамда Тошкент туманида 5 минг тоннани ташкил этди.

Қазиб олинган картошканинг юқори кўрсаткичлари Куйичирчик 21115 тонна, Бўстонлик 17471 тонна, Пискент туманларида 14717 тоннани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Олмалик шаҳар 43 тонна, Янгийўл шаҳар 44 тонна, Чирчиқ шаҳар 165 тонна, Оҳангарон шаҳар 638 тонна, Ангрен шаҳарларида 689 тоннани ташкил этди.

Сабзавотлар (минг тонна)



Полиз (тонна)




Етиштирилган сабзавот экинларининг юқори кўрсаткичлари Бекобод 75 минг тонна, Ўртачирчиқ 41 минг тонна, Чиноз туманларида 35 минг тоннани ташкил этган бўлиб, паст кўрсаткич Янгийўл 0,1 минг тонна, Нурафшон 0,1 минг тонна, Чирчиқ шаҳарларига 0,1 минг тонна тўғри келди.

Полиз экинлари етиштириш худудлар кесимида юқори кўрсаткич Бўка 745 тонна, Янгийўл 671 тонна, Оққўрғон 663 тонна ва Чиноз 468 тонна кузатилди. Аксинча паст кўрсаткич Қибрай 31 тонна, Паркент 37 тонна, Зангиота 58 тонна ва Ўртачирчиқ туманларига 62 тонна тўғри келди.

Мевалар ва резаворлар (тонна)



Узум (тонна)




Энг кўп мевалар ва резаворлар етиштириш Қибрай 6012 тонна, Зангиота 4589 тонна, Юқоричирчиқ туманларида 4238 тоннани ташкил этган бўлса аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 36 тонна, Чирчиқ шаҳарларида 92 тоннани ташкил этди.

Узум етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткич Пискент 1023 тонна, Бўка туманлари 309 тонна, Нурафшон шаҳри 235 тонна бўлса, паст кўрсаткичлар Тошкент 5 тонна, Оҳангарон 5 тонна, Бўстонлик туманларида 6 тоннани ташкил этди.

Чорвачилик. 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 105,8 % (жами 852,7 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,0 % (387,6 минг бош), қўй ва эчкилар 102,8 % (968,7 минг бош), отлар 105,8 % (49337 бош), паррандалар 102,3 % га (14,7 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 89,3 %, сут ишлаб чиқаришда 95,3 %, тухум ишлаб чиқаришда 55 % ташкил этди.

**2019 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**



Энг кўп кўй ва эчкилар Оҳангарон 216 минг бош, Бўстонлик 150 минг бош, Паркент туманларида 107 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 1 минг бош, Нурафшон 3 минг бош, Оҳангарон шаҳарларида 4 минг бошни ташкил этди.


Паррандалар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Зангиота 2145 минг бош, Бўстонлик 1904 минг бош, Ўртачирчиқ 1612 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 11 минг бош, Олмалик 20 минг бош, Бекобод шаҳарларида 33 минг бошни ташкил этди.

2019 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|--|--------------|--------------------|
| Йирик шохли қорамол | 852,7 | 105,8 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 69,5 | 101,7 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 745,3 | 106,2 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 37,9 | 105,1 |
| улардан сизирлар | 387,6 | 100,0 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 22,5 | 103,6 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 354,7 | 99,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 10,4 | 103,6 |
| Қўй ва эчкилар | 968,7 | 102,8 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 290,4 | 105,1 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 642,4 | 100,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 35,9 | 123,0 |
| Отлар | 49,3 | 105,8 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 8,1 | 102,2 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 38,6 | 104,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 2,6 | 145,9 |

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|--|----------------|--------------------|
| Паррандалар | 14704,1 | 102,3 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 318,9 | 37,7 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 6706,2 | 79,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 7679,0 | 150,2 |

Чорва моллари ва паррандалар бош сонида хўжаликлар тоифаларининг улуши




- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 87,4 %, фермер хўжаликларида эса 8,2 %, шу жумладан, сигирлар мос равишда 91,5% ва 5,8 %, кўй ва эчкилар 66,3% ва 30,0 %, отлар 78,3 % ва 16,5 %, паррандалар 45,6 % ва 2,2 % ташкил этди.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 137,5 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-июлига нисбатан (102,9% кўп), 455,3 минг тонна сут (103,5 % кўп), 615,8 млн. дона тухум (103,0 % кўп) ишлаб чиқарилди.

Йирик шоҳли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан: сигирлар (минг бош)




Йирик шоҳли қорамоллар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткични Бекобод 80 минг бош ва Бўстонлик туманларида 78 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 2 минг бош, Оҳангарон 2 минг бош ҳамда Нурафшон шаҳарларида 3 минг бошни ташкил этди.

Шу жумладан сигирлар энг юқори кўрсаткич Бекобод 35 минг бош ҳамда Бўка туманларида 31 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Оҳангарон 1 минг бош ва Янгийўл шаҳарларига 1 минг бош тўғри келган.


**2019 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган
чорвачилик маҳсулотлари**

| | <i>миқдори</i> | <i>ўсиш суръати, %</i> |
|--|----------------|----------------------------|
| Гўшт (тирик вазнда), минг т | 137,5 | 102,9 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 5,7 | 123,2 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 117,1 | 100,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 14,7 | 117,3 |
| Сут, минг т | 455,3 | 103,5 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 30,5 | 134,4 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 403,2 | 101,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 21,6 | 118,7 |
| Тухум, млн. дона | 615,8 | 103,0 |
| <i>шу жумладан:</i> | | |
| Фермер хўжаликлари | 13,3 | 55,9 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 325,3 | 98,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 277,2 | 113,8 |

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)




2019 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



2019 йилнинг январь-июнь ойларида гўшт ишлаб чиқариш ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп ишлаб чиқарган ҳудудлар Бўстонлик 13 минг тонна, Ўртачирчиқ 11 минг тонна, Янгийўл туманлари 11 минг тонна бўлса, Янгийўл 0,03 минг тонна, Чирчиқ шаҳарларида 0,2 минг тонна кам ишлаб чиқарилган.

Бўстонлик 56 минг тонна, Бўка 39 минг тонна, Бекобод 33 минг тонна, Қибрай туманлари 33 минг тонна сут ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичлардан ўрин олган бўлса, аксинча Бекобод 1 минг тонна, Янгийўл 1 минг тонна, Нурафшон шаҳарлари 1 минг тонна сут ишлаб чиқариб нисбатан паст кўрсаткичлардан ўрин эгаллади.



Вилоятда тухум ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилнинг январь-июнь ойларида энг юқори кўрсаткични Юқоричирчиқ 100 млн.дона, Зангиота 98 млн.дона, Ўртачирчиқ туманларида 92 млн.донани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 1 млн.дона, Ангрен 1 млн.дона ва Олмалиқ шаҳарларида 1 млн.донани ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2019 йилнинг январь-июнь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 927,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 12,0 % ташкил этди.

2019 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 69,5 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 22,5 минг бош сигир, 290,4 минг бош қўй ва эчкилар, 8136 бош от, 318,9 минг бош паррандалар мавжудлиги тасдиғини топди.

**2019 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб
чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

| | <i>январь-июнь</i> | | | | <i>2019 январь- июнга нисбатан % ҳисобида</i> |
|--------------------------------|--------------------|--|-----------------|--|---|
| | <i>2018 йил</i> | | <i>2019 йил</i> | | |
| | <i>тонна</i> | <i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %</i> | <i>тонна</i> | <i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %</i> | |
| Бошоқли дон | 294473 | 97,9 | 383435 | 130,2 | 130,2 |
| <i>шу жумладан: буғдой</i> | 294473 | 97,9 | 383435 | 130,2 | 130,2 |
| Картошка | 11728 | 69,5 | 5575 | 47,5 | 47,5 |
| Сабзавот | 48960 | 70,4 | 38661 | 79,0 | 79,0 |
| Полиз | 2772 | 21,6 | 691 | 24,9 | 24,9 |
| Мева ва резаворлар | 12333 | 97,7 | 7151 | 58,0 | 58,0 |
| Узум | 356 | 51,1 | 141 | 39,6 | 39,6 |
| Гўшт, тирик вазнда | 4604 | 112,1 | 5674 | 123,2 | 123,2 |
| Сут | 22716 | 97,4 | 30537 | 134,4 | 134,4 |
| Тухум, млн. дона | 23,9 | 150,0 | 13,3 | 55,9 | 55,9 |
| Жун | 165 | 141 | 223 | 135,2 | 135,2 |
| Пахта | - | - | - | - | - |
| Пилла | 688,8 | 141,0 | 746,4 | 108,4 | 108,4 |